



OBJECTIVE NECESSITY OF USING BUDDHIST MONUMENTS IN UZBEKISTAN IN THE FIELD OF TOURISM

B.D. Sadibekova

Associate Professor

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

A.P. Makhmudova

Associate Professor

Samarkand Institute of Economics and Service

Samarkand, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Buddha, tourism, the Great Silk Road, monuments.

Abstract: The article discusses the development of tourism and attracting more tourists. The need to use Buddhist monuments to attract more tourists will be discussed.

Received: 02.06.22

Accepted: 04.06.22

Published: 06.06.22

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БУДДИЗМ ОБИДАЛАРИДАН ТУРИЗМ СОҲАСИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗУРУРАТИ

Б.Д. Садибекова

Доцент

Тошкент давлат шарқшинослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

А.П. Махмудова

Доцент

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Самарқанд, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Будда, туризм, Буюк Ипак Йўли, обидалар.

Аннотация: Мақолада туризм соҳасини ривожлантириш, туристларни қўп жалб қилиш ҳақида сўз юритилади. Туристларни кенг жалб қилиш учун буддизм обидаларидан фойдаланиш зарурати мухокама қилинади.

ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БУДДИЙСКИХ ПАМЯТНИКОВ УЗБЕКИСТАНА В СФЕРЕ ТУРИЗМА

Б.Д. Садибекова

Доцент

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

А.П. Махмудова

Доцент

Самаркандинский институт экономики и сервиса

Самарканд, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Будда, туризм, Великий шелковый путь, памятники.

Аннотация: В статье рассматривается развитие туризма и привлечение большего количества туристов. Будет обсуждаться необходимость использования буддийских памятников для привлечения большего количества туристов.

КИРИШ

Туризм соҳаси ҳозирги кунда жаҳондаги энг сердаромад соҳалардан бири бўлиб, унинг иқтисодиётдаги улуши тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун кўпгина мамлакатлар туризм соҳасини ривожлантирумокдалар. Жумладан, мамлакатимизда ҳам бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон бой турристик салоҳиятга ва туризмни ривожлантиришнинг барча имкониятларига эга, шу туфайли мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш учун турли чора-тадбирлар, Президентимиз қарор ва фармонлари ишлаб чиқилиб, кенг жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг сайёхлик салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326 сонли Фармони, 2018 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3509 сонли ва “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг туризмни ривожлантириш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3510 сонли Қарорлари, 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3514 сонли Қарори, 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611 сонли Фармони шулар жумласидандир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мамлакатимизда дунё халқлари томонидан умумэътироф этилаётган юзлаб тарихий ёдгорликларимиз, тоғлар, дашт ва чўлларни ўз ичига олган гўзал ва бетакрор табиати, халқларимизнинг маънавий-этник мероси кабилар дунёнинг турли бурчакларида яшаётган халқларни ўзига жалб қилмоқда. Шундай экан, мамлакатимиз минтақаларида туризм соҳасини ривожлантиришни тадқиқ қилиш, уларнинг муаммо ва камчиликларини ўрганиш, ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш ҳамда туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий механизмларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради.

Туризм соҳаси мамлакатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиши мамлакат худудларида туризмнинг ривожланиш муаммо ва истиқболларига алоҳида эътибор билан қарашни талаб этмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга қаратилган бир қанча дастурлар амалга оширилиши кўзда тутилган, 10дан ортиқ тармоқ стратегиялари ишлаб чиқилмоқда. Мунтазам равишда минтақаларда туризмни ривожлантиришга стратегик ёндашув амалга оширилмоқда ва мамлакат иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бири сифатида худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш учун энг муҳим соҳага айланиб бормоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республикамида алоҳида туризм турларини ҳамда туризмнинг ўзига хос йўналишларини ривожлантириш имкониятини берувчи, салоҳиятли туристик ресурсларимиз етарли даражада. 2021-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш концепциясининг асосий йўналишларидан бири сифатида “...туризм бозорининг турли қатламларига мўлжалланган туристик маҳсулотлар ва хизматларни диверсификация қилиш орқали мавсумий омиллар таъсирини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш” белгилаб қўйилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур чора-тадбирларни ишлаб чиқишида албатта туризм соҳасининг истиқболли йўналишларидан бири зиёрат туризмни инобатга олиш лозим.

Мамлакатимиз дунёning турли бурчакларида яшайдиган турли дин вакиллари учун зиёрат турларини ташкил қилиш имкониятини берувчи бой зиёрат туристик ресурслари салоҳиятига эга. Мамлакатимизда буддизм дини вакилларини жалб қилувчи туристик обидалардан фойдаланиш, ана шундай истиқболли зиёрат туризми йўналишларидан биридир. Ҳозирги кунда буддизм Шри Ланка, Мянма (Бирма), Таиланд, Лаос, Камбожа, Вьетнам, Тибет, Бутан ва Япония каби давлатларнинг асосий дини ҳисоблананишини инобатга олиб, ушбу мамлакатлардан ташриф буюрувчи туристик оқимни кўпайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Бу эса буддизм тарихий обидалари излари

жойлашган худудларнинг ижтимоий ҳолати, инфратузилмаси ва иқтисодий имкониятларини илмий таҳлил қилиш асосида туристик салоҳиятни оширишнинг устувор йўналишларни аниқлашни тақозо этади.

Буддизм учта дунё динларининг энг қадимийсидир. Буддистлар дунёси Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиёнинг кўплаб мамлакатларини, шунингдек Россиянинг бир қатор минтақаларини қамраб олади. Ғарбий Европада кўплаб будда ибодатхоналари мавжуд. Баъзи олимларнинг фикрига кўра дунёда буддавийликнинг 325 миллиондан ортиқ издошлари бор. Ушбу кўрсаткич бир вақтнинг ўзида буддизм ва бошқа эътирофларга эргашган имонлиларни ҳисобга олмайди. Бошқа статистик маълумотларга кўра, замонавий дунёда 500 миллионга яқин буддавийлар мавжуд бўлиб, уларнинг 320 миллионга якини Осиёда, тахминан 1,5 миллиони Америкада, 1,6 миллиони Европада ва 38 мингга якини Африкада яшайди. Японияда – 72 миллион, Таиландда – 52 миллион, Мянмада – 37 миллион, Ветнамда – 35 миллион, Хитойда – 34 миллион, Шри-Ланкада – 12 миллион, Кореяда – 12 миллион, Камбоджа – 7 миллион, Хиндистон – 82 миллион, Лаос – 2,4 миллион, Непал – 1,3 миллион, Малайзия – 3 миллион.

Маълумки, Буюк Ипак йўли минглаб йиллар давомида нафақат товарларнинг ҳаракатини таъминлашга, балки ҳалқларнинг маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини яқинлаштиришга ҳам хизмат қилди. Минглаб йиллар давомида Марказий Осиёда муҳим этник жараёнлар, маданиятларнинг фаол таъсирлашуви содир бўлди, йирик савдо операциялари амалга оширилди, дипломатик келишувлар ва ҳарбий иттифоқлар тузилди. Мазкур минтақа ҳалқлари ҳарф-ёзув ва жаҳон динлари, кўплаб маданият ва техника ютуқларининг ёйилишини таъминлашга хизмат қилдилар. Шунинг учун қадимдан Марказий Осиёда турли цивилизациялар – буддавийлик, яхудийлик, мусулмонлар, христианлар ва бошқа қадимий ҳалқлар ўзаро қўшни бўлиб, бир-бирларини тўлдирғанлар ва бойитганлар.

Ўзбекистон худудларида буддавийлик мероси ҳақида гапирганда, мамлакатимиз жанубидаги археологик топилмалар исботига кўра Кушонлар даврида буддизм ва буддавийлик маданиятининг маркази Термиз худуди бўлганлиги аниқланган. Мазкур минтақа бўйлаб кўплаб буддавийлик обидалири сақланиб қолган. Ўзбекистоннинг қадимий ёдгорликларининг аксарияти Сурхондарё вилоятида жойлашган. Энг муҳимлари орасида Халчаян, Далварзинтепа, Айритам, Қизилтепа, Бандиҳон, Кампиртепа ва бошқалар бор. Биринчи аҳоли пунктлари бу ерда ҳам пайдо бўлган: Бойсун тизмасининг дарё водийларида, тоғ ўрмонлари орасида ёввойи мевалардан мўл ҳосил олиб, ёввойи ҳайвонларнинг ҳар хил турлари яшаган.

Қадимги Термиз аҳоли пункти ноёб Буддист ёдгорликларини сақлаб қолган. Булар бир қанча буддист монастирларини шу жумладан, Қоратепа гор ибодатхонаси мажмуаси ва

Фаёзтепа монастирини ўз ичига олади. Буларга Будда ёдгорликларини сақлаш учун мақбаралар, ступалар киритилган ва Будда ва Кушон ҳукмдорларининг расмлари ва ҳайкаллари билан безатилган. Бу жойларнинг ноёб топилмаларидан бири милодий 2-асрнинг биринчи ярмидан жой олган Будданинг терракота ҳайкали. Фаёзтепдан “Учлик”да Будданинг рельеф тасвири, шунингдек, Қоратепа гор ибодатхоналаридан биридаги девор расмидаги “Будда-Мазда” тасвири бу тасвирга энг яқин ўхшашик бўлиши мумкин. Кушон шаҳзодаси ва жангчининг бошлари Сурхондарё ҳудудидан топилган буддавийлик давридаги қимматбаҳо буюмларга тегишли.

Буддизм ёдгорликларининг ушбу концентрацияси туфайли ушбу ноёб минтақа буддистроҳибларнинг зиёратгоҳига айланди. Бугунги кунда бу ерда археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда, чунки бу қадими харобалар ҳали ҳам кўплаб тарихий кашфиётларга бой.

Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда туризм” номли статистик тўплами маълумотларига бўйича, бугунги кунда республикамизда 149 дан ортиқ турдаги туристик маршрутлар амал қилмоқда. Мазкур рўйхат “Туризм ўқув-консалтинг маркази” ДУК томонидан ўtkazilgan Ўзбекистон Республикасидаги туристик фаолият субъектлари томонидан амалга ошириладиган туристик қатновлар кузатувлари асосида ишлаб чиқилган. Мазкур рўйхат бўйича фаолият кўрсатаётган туристик маршрутларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг туристик салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати ўрганилганда, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган туристик маршрутларимиз анъанавий, декларатив тарзда ишлаб чиқилаётганлигини, мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларини қамраб олмаганлигини кўришимиз мумкин. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари ўзига хос туристик жозибадорликка ва етарли даражадаги имкониятларга эга ҳисобланади.

ХУЛОСА

Республикамиз ҳудудлари бўйлаб ишлаб чиқилган туристик маршрутлар таҳлилига кўра, бугунги кунда барча туризм турларини ривожлантириш имкониятига эга бўлган, жумладан, буддизм дини вакилларини ҳам ўзига жалб қилиб келаётган Сурхондарё вилоятининг қамраб олиниш даражаси бор йўғи 16,11% ни ташкил қилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

– Буддизм Шри Ланка, Мянма (Бирма), Таиланд, Лаос, Камбожа, Вьетнам, Тибет, Бутан ва Япония каби давлатларнинг асосий дини ҳисобланишини инобатга олиб, ушбу мамлакатлардаги зиёрат туризмiga қизиқувчиларни мамлакатимизга жалб қилиш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиш;

- мамлакатимизда жойлашган буддизм обидаларини чукур илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш, уларнинг туристик жозибадорлик хусусиятларини аниқлаш;
- буддизм обидалари асосида туризмни ривожлантириш йўллари бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаш;
- туризмда буддизм обидаларидан фойдаланиш имкониятлари яратиш, туристик инфратузилмаларни яхшилаш. Жумладан, йўлларни таъмирлаш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ва бошқалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326 сонли Фармони.
2. 2018 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3509 сонли қарори.
3. “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг туризмни ривожлантириш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3510 сонли қарори.
4. 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3514 сонли Қарори,
5. 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611 сонли Фармони.
6. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармонига 1-ИЛОВА
7. Хакбердиев, К. К. (2021). СОТРУДНИЧЕСТВО УЗБЕКИСТАНА И КИТАЙСКОЙ НАРОДНОЙ РЕСПУБЛИКИ В ОБЛАСТИ ДОБЫЧИ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 1), 713-718.
8. Sayfullayev, D. Cultural Diplomacy of Uzbekistan and Shanghai Cooperation Organization in the Framework of the Shanghai Cooperation Organization (SCO).
9. Karimova, N., Sadibekova, B., & Usmonova, S. (2021). The Roads of Central Asia-to the History of Buddhism. *TJE-Tematics journal of Education*, 6.
10. Odilov, B. A., & Karimov, N. R. (2020). Analysis of Targeted Research in 20-30 Years of the XX Century. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(6), 8887-8893.
11. Karimova, N. E., Sadibekova, B. D., Hasanova, N. N., Sadullayeva, S., & Abdurashidov, N. (2020). Smart management as an innovative way to manage change in the process of

- globalization. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(6), 1221-1225.
12. Usmanova, S., & Rikhsiyeva, G. (2017). Intercultural Communication. *Tashkent State Institute of Oriental Studies*.